



THE SOCIO-PHILOSOPHICAL AND ETHNO-ECOLOGICAL FOUNDATIONS OF ENHANCING THE HUMAN'S RATIONAL ATTITUDE TOWARD NATURE

Abdulatif Abidjanovich Abdumalikov

Associate Professor at Fergana State University

Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy, Professor

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: rational attitude, ecological culture, environmentally conscious activity, ecological problems, rationality, system of relations between nature and society, social responsibility, ecological consciousness, social ecology.

Abstract: This article explores the socio-philosophical and ethno-ecological foundations for enhancing the rational attitude of humans toward nature.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

ИНСОННИНГ ТАБИАТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ВА ЭТНОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Абдулатиф Абиджанович Абдумаликов

Фаргона давлат университети доценти

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) профессор

Фергана, Ўзбекистан

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: рационал муносабат, экологик маданият, экологик онгли фаолият, экологик муаммолар, оқилоналик, табиат ва жамият муносабатлари тизими, ижтимоий масъулият, экологик онг, ижтимоий экология.

Аннотация: Мазкур мақолада инсоннинг табиатга оқилона муносабатини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий ва этноэкологик асослари тадқиқ этилган.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ И ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ РАЗУМНОГО ОТНОШЕНИЯ ЧЕЛОВЕКА К ПРИРОДЕ

Абдулатиф Абиджанович Абдумаликов

*Доцент Ферганского государственного университета,
Доктор философии (PhD) по философским наукам, профессор
Фергана, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: рациональное отношение, экологическая культура, экологически сознательная деятельность, экологические проблемы, рациональность, система отношений природы и общества, социальная ответственность, экологическое сознание, социальная экология.

Аннотация: В данной статье исследованы социально-философские и этноэкологические основы повышения рационального отношения человека к природе.

Кириш. Сўнгги юз йил ичида одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларида хайратомуз ўзгаришлар юз берди. Бир томондан, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуни амал қилиб, инсон фаолиятининг асрлар мобайнида зимдан йиғилиб келган салбий оқибатлари жамулжам ҳолда янгича сифат касб этди. Бу илгари яшовчанлик қобилятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ саҳрога айланишида, атмосфера, сув ҳавзалари ва шу қабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланишида намоён бўлди. Хусусан, ҳозирги вақтда бутун қуруқлик юзасининг 40% дан кўпроғини саҳролар эгаллаган. Стратосферанинг озон пардасидаги тешиқлар, оқава сувлар ташланадиган «ариқлар»га айланиб қолган кичик ва катта дарёлар ҳам бир лаҳзада пайдо бўлгани йўқ.

Табиат антропоген зўриқишларни фақат маълум меъёр даражасида бартараф этишга қодир эканлигини одамлар сўнгги вақтдагина англай бошладилар. Бу меъёрнинг бузилиши биосферада кўпинча орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беришига сабаб бўлади. Шамол кўтарган ёки вулконлар итқитган чанг, ўрмон ёнғинларидан ёки ер юзасига нефтнинг табиий чиқишидан ҳосил бўлган тутун тарзидаги табиий ифлосланишни табиат ўзи осонгина бартараф этади. Аммо инсон атроф муҳитга унинг бундай таъсирларга қаршилик кўрсатиш табиий имкониятларидан бир неча баравар ортиқ бўлган қўшимча зўриқишларни яратди. У ер юзаси, атмосфера ва сув ҳавзаларига табиий чиқиндилар таркибидагидан кўпроқ миқдорда кимёвий элементларни тобора ўсиб бораётган суръатларда ташламоқда; шунингдек, уларга табиат инсон ёрдамсиз абсорбация қилиш (утиллаштириш)га қодир бўлмаган пластмасса, керамика, шиша каби кўп сонли сунъий материалларни қўшимча қилмоқда. Бунинг оқибатида кимёвий моддалар билан заҳарланган далалар ва сув ҳавзалари, экологик жиҳатдан тоза деб айтиш мушкул бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шаҳарлардаги тутун, қурум, кул зарралари, чанг, ёнилғи буғи

кабилар аралашмасидан иборат захарланган ҳаво, ахлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва шу кабилардан кўтарилган тоғлар инсон борлигининг доимий ҳамроҳларига айланди.

Материаллар ва методлар. Инсон жамиятнинг табиат билан муносабатларида юз берган бу шиддатли ўзгаришлар моҳиятини тушунишга ҳаракат қилар экан, аввалгидек, юз бераётган жараёнларни илмий ва фалсафий таҳлил қилиб, ўз тафаккурига мурожаат этмоқда. Шу боис Бутун дунё, хусусан Марказий Осиё давлатларининг табиий муҳитни муҳофаза қилиш учун иқтисодий ва фан теника соҳасидаги ҳамкорлиги турли йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан, Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармаси (МФСА) ташкил этилди ва унинг режали фаолияти йўлга қўйилди.

Дунёда аҳоли сонининг ортиши, иқтисодиёт тармоқларининг мунтазам ривожланиши натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами кенгайиб, унга тушадиган антропоген босим миқдори ортиб бормоқда. Бу ҳолат, аҳоли зичлиги юқори, хўжалик тармоқлари интенсив ривожланган минтақаларда салбий экологик жараёнларни бир неча баробар кескинлаштирмоқда. Бундай ўзига хос минтақаларда экологик барқарорликни таъминлаш масаласи халқаро ҳамжамятнинг алоҳида эътиборидадир. Жумладан, халқаро ҳамжамятнинг қатор конференцияларида (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002, Нью-Йорк, 2015) инсониятнинг яқинлашиб келаётган экологик ҳалокатлардан кутқариш, ривожланишнинг барқарор йўлига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида – «туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва кадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усулларини эътироф этиш» эканлиги таъкидланмоқда[4].

Жаҳонда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, молиявий, техникавий, ташкилий-ҳуқуқий йўналишлари билан бирга этноэкологик йўналишига ҳам алоҳида устувор эътибор қаратилмоқда. Жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, асрлар синовидан ўтган, табиатдан мувозанатли, унга зарар етказмасдан фойдаланишга йўналтирилган анъана, малака, талаб, одат ва тақиқларни ўзида мужассамлаштирган этноэкологик маданиятни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ушбу йўналишда эришилган ютуқлардан ландшафт-экологик режалаштиришда, шаҳарсозликда-экологик дизайн усулида лойиҳалаштиришда, шунингдек, муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўртини такомиллаштиришда кенг фойдаланилмоқда.

Мулоҳаза ва натижалар. Табиат билан жамият ўртасида юз берадиган ўзаро алоқадорлик ва муносабатлар тизими ҳозирги даврга келганда анча мураккаблашди. Бу алоқадорлик ўрнини жамиятнинг табиатга кўрсатаётган кучли таъсири ва босими эгаллади. Натижада, табиатда турли хил экологик муаммоларнинг кучайиши ва унинг ижтимоий-

экологик муаммоларга айланиб бориши кузатилмоқда. Мазкур муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай ёзади:—«Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз»[3]. Бундан ташқари ҳалқаро ҳамжамиятнинг қатор конференцияларида (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002, Нью-Йорк, 2015) инсониятнинг яқинлашиб келаётган экологик ҳалокатлардан қутқариш, ривожланишнинг барқарор йўлига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида – «туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва кадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усуллари эътироф этиш» эканлиги таъкидланмоқда. Бундай ёндашувда этноэкологик тадқиқотларнинг долзарблиги янада ортади.

Табиий шароитга баҳо бериш, унинг инсон яшаши ва фаолият кўрсатиши учун қандай имкониятларга ва тўсиқларга эга эканлигини аниқлаш Страбондан бошланган. У иқлимни жамиятга таъсирини шундай баҳолайди: Ойкуменанинг шимолий чегараси Қора денгиздан 400 милл шимолроқдан ўтади, ундан юқорида цивилизациянинг ривожланиши фақатгина «гулхан атрофида» бўлиб, совуқ иқлим ҳаётни қийинлаштиради. Ўз даврида Гиппократ (э.р.ав. 460-377 йй.) қуруқликнинг кишилар яшайдиган қисмини 3 та шимолий совуқ жанубий мўътадил ва жанубий иссиқ минтақаларга бўлиб, у ерда кишиларни жисмоний ва ақлий ривожланишидаги ўзига хосликлари, кишиларни жисми ва руҳиятини иқлим белгилашини ёзган экан. Бундан ташқари, Аристотел, Геродот, Страбон, Ибн Холдун, Абу Райхон Беруний асарларида, ҳиндларнинг «Артхашастра» трактатида табиий шароитнинг кишилик жамиятига таъсири баҳоланади.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишига катта тurtки бўлган географик детерминизмни асосчиси сифатида француз мутаффакири Ш.Монтескье тилга олинади. Маълум бўлишича, Ш.Монтескье ва бошқа Ғарбий Европа олимларининг кишилик жамиятига табиатнинг таъсири ҳақидаги дунёқарашлари қадимги дунё ва Ислom цивилизацияси таъсирида юзага келган экан. Ватандошимиз Абу Райхон Беруний жойнинг табиий хусусиятлари (тупроқ, сув, ҳаво)ни кишилик жамиятига ва унинг фаолиятига таъсири ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: «Одамлар тузилишларининг ранги, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши, фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одамлар яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир». Юқоридаги, ҳаволадан кўриниб турибдики, Абу Райхон Беруний географик омилнинг ролини бўрттириб, орттириб кўрсатишдан, замонавий тилда айтганда «географик детерминизм»га

йўл қўйишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлган. Инсонларга биринчи навбатда «насаблар» яъни кишилиқ жамиятининг таъсири борлигини таъкидлаш билан бир қаторда табиий омилларнинг ўрни ва аҳамиятига ҳам эътибор бериш кераклигини таъкидлайди. Бундай ёндашув тўғри ва ўринли эканлигини таъкидлаб А.Солиев шундай ёзади «географик детерминизм бу маълум даражада мавжуд объектив ҳолдир, ҳамма гап уни қандай талқин қилишда».

Афсуски, Ш.Монтесъкенинг «Қонунлар руҳи» асарида жамиятга табиатнинг таъсирини бўрттириб, унинг биринчи даражали ягона омил сифатида кўрсатилиши ушбу ғоя ўта беъмани ғоялар қаторига киришига сабаб бўлди. Унинг ёзишича, «иссиқ иқлим шароити халқларнинг жисмоний табиатига ва маънавий дунёқарашига таъсир этади ҳамда, куллиқнинг ривожланишига сабаб бўлса, мўътадил иқлим шароити эса, кишилар интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб, кучли ва қаътиятли шахсларнинг юзага келишига сабаб бўлади». Бу дунёқараш кейинчалик империалистик экспанцияни, миллатчилик ва ирқчиликни оқлаб кўрсатувчи қуролга айланиб, илмий жамоатчилик назаридан қолди.

Этноэкологик ғояларнинг ривожланишида антропогеографиянинг асосчиси бўлган. Ф.Ратцелнинг асарлари (1899) муҳим роль ўйнаган. У давлатга тирик биологик организм сифатида қараб, у ерда яшовчи этносларнинг ер ва унинг табиий шароити билан яқин ва узлуксиз алоқадорликда бўлинишини таъкидлайди. Унинг фикрича, этносларнинг ривожланишида уларнинг жойлашган ўрни билан бир қаторда, аҳоли зичлиги ҳам салмоқли ўрин эгаллайди ҳамда аҳолининг зич бўлиши нафақат халқларнинг жисмоний ривожланишига балки маданиятнинг ўсишига ҳам туртки бўлади.

Этноэкология иборасини ишлатмаган бўлса-да, бу йўналишдаги асосий ғоялардан бири, яъни «кишиларнинг атроф табиат-муҳитга мослашиб бориши»ни ўз моҳиятига сингдирган «Инсон экологияси» (Human Ecology) иборасини биринчи бўлиб, америкалик географ Г.Берроуз қўллади. Кейинчалик, бу йўналишда инсониятнинг этник хилма - хиллигига унинг турли табиий шароитларга мослашишга уриниши (реакцияси) натижаси сифатида қараш ҳақидаги фикрлар айтилди.

Хорижда Ж.Стюард томонидан этноэкологиянинг аналоғи сифатида яратилган «Маданий экология»нинг мақсади маданиятлараро фарқларни, биринчи навбатда ҳар бир маданий вилоятнинг «юзи» билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларнинг келиб чиқиш сабабларини очиқ беришдир, деб белгиланди. Ж.Стюард (1955) қарашларида географик омилларнинг кишилиқ маданиятига таъсири очиқ берилиши қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

биринчидан, унинг ғоявий қарашлари «эволюциянинг кўп хиллилиги» концепциясига асосланади ва табиий омилларни жуда диққат билан эътиборга олишни талаб қилади;

иккинчидан, қиёслаш мумкин бўлган табиий шароитга эга бўлган жамиятда юз берадиган ўхшаш эволюцион жараёнлар ҳар доим ҳам маданий «диффузия натижаси» бўлмаслиги, шу жойдаги табиий шароит таъсирида юзага келганлиги эътироф этилади[10].

Бугунги экологик муаммоларни юзага келишига сабаб, бўлаётган кўплаб омиллар орасида этногеографик омилларнинг ҳам борлигини ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳар томонлама асосланмоқда. Мазкур тадқиқотда асосий эътибор, этносни ўзи шаклланган табиий-атроф муҳитда узоқ вақт давомида турғун яшаши натижасида юзага келадиган этноэкологик маданиятини табиий-географик жиҳатларини ҳар томонлама тадқиқ этишга қаратилади. Албатта, этносларнинг ландшафт билан бўладиган ўзаро алоқаси доимо ривожланиб, такомиллашиб борадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараёнга таъсир этадиган омиллар турли туман. Бугунги дунёқараш бўйича ривожланиш жараёнида анъаналар ўрнини тизимли ўзгаришлар, яъни инновациялар эгаллаб боради.

Табиатдан фойдаланиш соҳасида асрлар давомида шаклланган, давр синовларидан ўтган, миллий қадриятлар даражасига кўтарилган, шарқона шукроналик, озга қаноат қилиш, исрофгарчиликдан, уволдан кўрқиш каби хислатлари билан уйғунлашган анъана, тажриба, кўникма ва малакалар этноэкологик маданиятнинг асосини ташкил этади. Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотларда бу маданиятга кўпроқ ўша давр ва муҳитдан келиб чиқиб баҳо берилди[9]. Тўғри, бундай ёндашув ижтимоий-иқтисодий тараққиётни аниқроқ ифода этишга кўмаклашади, техника ва технологияни такомиллашиб боришини кузатиш имконини беради. Бироқ, мазкур тадқиқотда халқимизнинг табиатдан фойдаланиш борасида тўплаган анъана, кўникма ва малакаларига этноэкологик маданият сифатида баҳо беришга ҳаракат қилинди. Бугунги экологик ва ижтимоий билимлар ойнаси орқали қаралса, бу оддийлик замирида яширинган, ижтимоий-экологик мувозанатни сақловчи ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш маданияти кўринади. Бундай кўникма, малака, анъана ва одатларни инсоният эришган замонавий илмий ва техник ютуқлар, инновациялар билан бойитиш, ижтимоий тараққиётни ҳисобга олиб қайта баҳолаб, ҳаётга тадбиқ этиш барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган, табиат билан уйғунликда яратилган, унинг қонунларига мослашувга асосланган, миллий қадриятлар даражасига кўтарилган, географик асосга эга бўлган, экологик маданиятни менсимаслик, уни бутунлай инкор этиш юқоридаги каби аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. [http: lex.uz](http://lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).
4. Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>;
5. Насруллин А., Лесник А. Аральское море: гидромониторинг бассейна // Экологический вестник. – 1999. – № 4. С. 11.
6. Sessions, G. (ed). Deep Ecology for the Twenty-first Century. Boston: Shambhala, 1995
7. Кулабухов Д..А. Экология культуры: культурно-антропологические аспекты. Дис . канд. филос. наук. –Белгород, 2007. – 148 с.
8. Айматов А. Шахс табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онгнинг роли.(DSc) дисс..автореферати. Самарқанд: 2019. – 29 б.
9. Кўйлиев Т. Экологик маданиятнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари. –Тошкент.:ТАҚИ, 2007
10. Ҳакимов Н.Ҳ.Инсон экологияси. Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.Б.232.
11. Маликов Т.Т. Диалектика формирования активной жизненной позиции личности // Общественные науки в Узбекистане. – 1992. – № 2. – С. 12–17.
12. Мамашакиров С. Урбанизация экологии или экологизированная урбанизация. – Ташкент: Фан, 1991. С. 11–32.
13. Базаров Б. Образование и экологическая безопасность // Экологический вестник. – 1999. №4. С. 5.